



ЧАҒОНРУД – ПАҒЛАВОНЛАР ЮРТИ

Муртазаев Бабаназар,

Термиз ДУ доценти, филология фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15131251>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025

Accepted: 18th March 2025

Published: 30th March 2025

KEYWORDS

Бойсун, Чағониён, Чағонруд, Парейтакен – Паритака – Кухитанг, Габоз – Бойсун, Бубакен, Сак, Скиф, Тур, Тахмрус, Рустахм, Рустам, Алпомиш, Сурхоб – Сурхон.

ABSTRACT

Мақолада қадим Сурхон воҳаси тарихига доир айрим жиҳатлар хусусида мухтасар фикрлар баён этилади. Чағонруд дарёси ва Чағониён воҳасининг “Алопомиш” достони ва “Рустам” ривоятларига алоқадорлиги борасида ҳам мушахдалар юритилади. Чағониён – Чағонруд – Сурхондарё вилояти тарихига алоқадор айрим жиҳатлар ҳам маълум даражада қисман эслатиб ўтилади. Бойсун атамаси, бу номнинг жануб ёки шимол билан вобасталиги боғлиқ мулоҳазалар ҳам эътибордан четда қолмаган.

“Алпомиш” достони Сурхон воҳаси замина ила боғлиқ ва у шу ўлка бағрида йўғрилган, дostonда таърифланган Бойсун қўнғирот эли ва Бобохон тоғи атамаларининг ўзи бунга аниқ далил. Юнон муаррихларидан Аристокл, Каллисфен ва Птолимай Лаг солномаларида (уларнинг барчаси Искандар юришларининг иштирокчилари ва лашкарбошилари) қадим Бақтриянинг саховатли, серунум, гўзал гўшаларидан саналмиш Парейтакен, Габоз, Бубакен сингари вилоятлари ҳақида хабарлар берилади¹. Парейтакен – Шеробод воҳаси, Габоз – Бойсун воҳаси, Бубакен эса Боботоғ (Бобохон – Бобокон – Бобокен) этакларида жойлашган сўлим воҳа эканлиги аллақачон ўз исботини топган. Парейтакен тоғли ўлка маъносига эга, боиси поурата, парвата кўҳна санскритчада тоғ демақдир² Чунончи, Кўхитанг этакларидаги қишлоқларнинг бир туркум номда яқин-яқинларгача Даҳпарикент (аслида Даҳпаркат – Б.М.) деб аталиши бунинг жонли гувоҳидир. Зеро, Парейтакен ва Даҳпаркент таркибида “пар” бирикмаси мавжудлиги бунинг тўқис исботи (Паркана – Фарғона ҳам шундан)дир. “Бу юртда милoddан аввалги VIII–VII асрларда “Қадимги Бақтрия подшолиги” ташкил топди. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар шу юртда шаклланди. Бу юрт зардуштийлик динининг илк маконидир”³.

Бойсун номли маскан Қорақалпоқ замида ҳам мавжуд, боиси чорвадор эллар тиним ва қўним билмай кўчиб юришган, зеро чорвадор учун яйлов –яшаш манбаи, ҳаётининг зарурат. Кўчманчи чорвадорлар қайси масканга келиб қўнмасинлар, одатан, ўзларининг илк масканлари номини табиий равишда янги масканга олиб келишган.

¹ Аршавская З.А. и др. Средневековие памятники Сурхандарьи. – Ташкент: Изд-во лит. и иск., 1982. – Б.15.

² Бартольд В.В. Сочинения. Т.III. – Москва: “Наука”, 1965. – С.265. (Чаганиан. Термиз).

³ Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.– Б.122.

Энди Бойсун номининг шимолдан жанубгами ёки жанубдан шимолгами бориб қолишига келсак, айнан, шимолдан жанубга кўчиш билан боғлиқ фаразларга ёпишиб олиш масаланинг туб моҳияти ечимини акс эттира олмайди. Чунки кўчманчи чорвадор элат фақат жанубга эмас, балки жанубдан шимолга ҳам силжиб турган ва бу жараён узлуксиз давом этган, яъни акс таъсирлар ҳодисаси ҳам зинҳор эътибордан соқит қилинмаслиги лозим.

Бизнинг воҳа Сурхондарё деб аталади, жой номларининг аксари дарё номи ила аталиши кўҳна тарихдан маълум, чунончи Сурхондарё, Қашқадарё, Мурғоб (Марғиёна) ва ҳоказо. Қадимги Сурхон дарёни Чағонруд, умумвоҳани эса Чағониён деб юритишган, ушбу атама кўчманчи Саклар номи ила чамбарчаслик касб этади. Чағонруд асли Саконруд, Шаконруднинг, Чағониён бўлса Сакониён ва Шакониён атамаларининг талаффуздаги ўзгаришлари натижасидир. Саклар номи билан аталувчи жўғрофик номлар Ўзбекистон Республикаси заминидан Сурхон воҳасида, Эрон заминидан Сейистон (гоҳо Сижистон ҳам дейилади) вилояти ва ушбу вилоятдаги Сейистон дарёси номида сақланиб қолган. Зеро, Сакистон-Саҳистон-Сайистон атамаси, ниҳоят. Сейистон шаклини олгунга қадар узоқ бир даврни босиб ўтганлиги сир эмас. Ана шу саклар Рустами дoston туркумига оид ривояту нақлларнинг дастлабки ижодкорларидир, сўнграқ бу нақлларни улардан сўғдийлар ўзлаштириб олганлигини биламиз. Сакларнинг қадим Бақтрия ҳудудларига келиши милоддан аввалги II асрларга бориб тақалади, улар Юнон-Бақтрия давлатини маҳв этганлар. Бироқ бу заминга Кушонларнинг келиши муносабати билан саклар Сейистонга бориб жойлашади. Сакларнинг каттагина гуруҳи ҳисобланмиш амюргийлар Бақтрия замини билан бундан бурун ҳам алоқадор ва боғлиқ бўлганлиги тарихдан маълум. Сейистоннинг туб аҳолиси жангари бўлмаган ва “Рустами дoston” ривоятларини фақатгина жанговар руҳдаги элат яратиши мумкин эди.

“Авеста”да ана шу саклар Тур деб битилади ва улар кўчманчи бўлгани айтилади, Турнинг Турк сўзига алоқаси бор-қўйлиги ҳозирча баҳсли. Айрим фаразларга кўра турк сўзидаги “к” товуши, эҳтимолки, авестача ёки бақтарча – “лар” кўплик кўшимчасини ифода этган. Бу хил ҳодисани тожик (тази-този-тозик) сўзидаги “к” товуши мисолида ҳам яққол кўрса бўлади. Энг қадимги замонларда сакларни тарихчи Полибий (208–217 йиллар)нинг ёзишича “Аспасиак” дейишган, улар Окс (Амударё) ва Танаис (Дон) дарёлари оралиғида яшаган, лекин кўпчилик Танаисни Искандар юришларгача Сирдарё деб тушунган. Аспасиак таркибида аспа-асп-от, саик-саак-сак-чавандоз, эпчил маъноларини англатади, худди шу чавандоз Турларни Геродот (484–425) нинг хабарича⁴ эронийлар сак, юнонлар скиф деб аташар экан. Сак сўзи шу каби қудратли, эпчил, чаққон, жасур азамат, мард маъноларига эга эканлиги кўплаб манбаларда ўз таъкидини топган⁵. Гоҳо уларни Испака – Спака – Сабака – Сак тарзида шарҳлаб, нечундир ўта ғайри илмий фаразлар илгари сурилади⁶. Жумладан, “Авеста”да Спаа бирикмаси учрайди, бу эса аспа – отнинг бузилган шакли, чунки кейинги сўзда олд – “а” унлисининг тушиши (прокопа ҳодисаси) рўй берган.

Чағонруд ва Чағониённинг “Алпомиш”га дахли бўлганидек, Рустам ривоятларининг сарчашмалари ҳам айнан шу замин билан боғлиқлиги янада мароқлидир. Фирдавсий “Шоҳнома”сида Рустамнинг Барзу билан жанги ҳикоя қилинади, ниҳоят Рустам рақиби Барзунинг ўз невараси эканини билади. Демак Барзу паҳлавон Сухробнинг ўғли экан, Барзу номи Алп Банзи Буйра (Алпомиш)га анча уйқаш. Барзу – Банзининг Барзу номи

⁴ Геродот. История (История античности. В 2-х томах). Т.1. – Москва: “Правда”, 1989. – Б.146.

⁵ Сагдуллаев А.Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. – Б.55.

⁶ Сулаймонов Ў. Туркийнома // Ёшлик.– 1992. – № 5–6.– Б.108.

айрим жой номларида сақланиб қолган, Самарқанд атрофидаги Талли Барзуни эслаш кифоя Шеруя исми онаси бўлиб, бу аёл асли Бойсун элатидан экан⁷.

Демак, нафақат “Алпомиш” туркум дostonларининг, балки “Рустам” дostonи силсиласининг пайдо бўлиши ва шаклланиши Сурхон воҳаси замини ила узвий боғлиқликлар касб этади. Тўғри Рустамнинг ватани Сейистон ва унинг яна бир сўлим гўшаси Зобулистон дейилса-да, у ҳақда ривоят-афсоналарнинг илк куртаклари Сурхон заминидан йўғрилган экан. Халқда шундай ривоят юради Рустам ва унинг ўғли Сухроб ўртасидаги жанг, айнан, Сурхон соҳилларида рўй беради. Ота-бола бир-бирини танитайди, Рустам курашда беҳосдан ўғли Сухробни қаттиқ ярадор қилиб ўлдириб қўяди. Ота ўз ўғлини таниб қолгач, унинг оху фиғонига, аламига на олам ва на одам бардош беролмайди, аммо вақт ўтган эди. Сухробнинг қонлари дарёга қуйилади ва шундан буён дарё Сухроб – Қизил сув (қон сув) деб аталиб кетган экан. Бу бир ривоят, бироқ ҳар бир ривоят замирида ҳақиқат бор, ҳа, Чағонруд – дарҳақиқат, паҳлавонлар юрти!

“Баҳр ал-асрор” (“Сирлар денгизи”) асарининг муаллифи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) Чағониён ҳақида ажойиб фикрлар баён этади: “Сағониён-Мовароуннаҳрнинг катта вилоятларидан... Термизнинг шимолида, Кеш ва Самарқанднинг жанубида жойлашган. Жайхунга қуйиладиган кўпчилик дарёлар шу вилоят ичидан оқади, уни Чағониён ҳам дейишади. Ҳозирда у Ҳисор номи билан машҳур, чунки унинг маркази Ҳисори Шодмон шаҳридир. Ҳисори Шодмон шундай бир мустаҳкам қалъаки, у тоғнинг энг баландида қурилган, уни Тахмурад бино қилган экан”⁸.

Тахмурад – эроний Пешдодийлар сулоласидан чиққан иккинчи шоҳ. “Авеста”да Тахмурапай тарзида учрайди, кейинчалик Тахмурад – Тахмурад – Тахмурад – Тахмурад – Тахмурад шаклини олади. Биз юқорида “Рустами дoston”, Рустам ва унинг ўғли Сухроб билан боғлиқ фикрларни айтдик, Рустам номи “Авеста”да йўқ. Фаразларга кўра Тахмурад шу Рустам эмиш. Тахмурад исми таркибидаги Тахм қисми қадимий паҳлавийчада: катта-улкан-улуғ-кучли-қувватли. Рас ёки Рус (Тахмурад-Тахмурад) қисми: қад-қомат-тан-жусса маъноларини англатади. Тахмурад-Тахмурад аста-секин парфиён ва сўғдий тилларида Растахм – Растахм бўлиб кетган. Бу “Баҳман яшт”даги Растахмнинг айнан ўзидир”⁹. Демак Тахмурад – улкан қоматли, алп қоматли. Растахм, энг сўнги шакли Рустам – қомати улкан, қомати алп дегани экан, худди Оби сурх (сув қизил) – Сурхоб (Сурхон – қизил сув)дек ўзгариш содир бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аршавская З.А. и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Ташкент: Изд-во лит. и иск., 1982. – 152 с.
2. Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.–276 б.
3. Бартольд В.В. Сочинения. Т.III. – Москва: “Наука”, 1965. – 620 с.
4. Геродот. История (История античности. В 2-х томах). Т.I. – Москва: “Правда”, 1989. –488 с.
5. Махмуд ибн Вали.Море тайн. Пер.с перс. –Ташкент: “Фан”, 1977. – 168 с.
6. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Қайта ишланган 3-нашри.–Тошкент: “Ўқитувчи”, 1976.– 664 б.
7. Сағдуллаев А.Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. – 94 б.
8. Сулаймонов Ў. Туркийнома // Ёшлик.– 1992. – № 5–6.– Б.106–110.
9. Хурсандов Х. Алпомишнинг исмини биласизми? // Халқ сўзи.1999.

⁷ Хурсандов Х. Алпомишнинг исмини биласизми? // Халқ сўзи.1999. 7 окт.

⁸ Махмуд ибн Вали.Море тайн. Пер.с перс. –Ташкент: “Фан”, 1977. – Б. 58.

⁹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Қайта ишланган 3-нашри.–Тошкент: “Ўқитувчи”, 1976.– Б. 53